

## **БАДИЙ МЕТАЛЛ ГЎЗАЛЛИГИ**

*Наманган вилояти тарихи ва маданияти*

*давлат музейи илмий ходими:*

**3. Мамадалиева**

Металлга бадиий ишлов бериш санъати қадим замонлардан буён машхур бўлиб, улар асосан қурол намуналари қилич ва ханжарлар, ўқ учлари, уй рўзғор буюмлари, зеб-зийнатлар, бронзадан тайёрланган от анжомлари ва шу каби буюмларда акс этади. XI асрдан бошлаб металл буюмларини безашда асосан ўсимликсизон ва геометрик нақшлар хамда эпиграфика-ислом санъати анъаналаридан фойдаланилган.

Амир Темур ва Темурийлар даврига оид буюмлар нафислиги, нозик дид билан ишланиши, безакларининг бой ва мураккаблиги, нафис ўймакорлиги, кумуш билан ишлов берилганлиги, кумуш ва олтин билан қадама нақш солингани кишини ҳайратга солади. Бу даврда шакланган шакллар, ижро усуллари ва нақш турлари бугунги кунгача етиб келган.

XIX-XX асрларда кандакорлик буюмлари асосан шаҳар аҳолисининг кундалик ҳаётида муҳим ўрин тутган. Бунда айниқса Тошкентлик усталарнинг номлари машхур бўлган. Уларнинг ўймакорлик услуби шаклланишига Кўқонлик ва Самарқандлик усталар таъсир кўрсатган. 1860 йилларнинг ўрталарида ҳунармандчилик ва савдо-сотик ҳолатини ўрганганд А.Н.Тетеревников қолдирган маълумотларга кўра, Тошкент бозорида мис буюмлари сотиладиган 32 та дўкон бўлган. Шу даврда ҳунармандчилик саноати анча кенг тарқалган бўлиб, у айниқса Тошкентда ривожланган.

XIX аср охири-XX аср бошларида кумушдан ясалган ўйма нақшли ва рангли тошлар билан безатилган патнис ва қаламдонлар урфга киради. Мис ўймакорлиги ҳунармандчилигига кўплаб йўналишдаги усталар иштирок этишган. Мисгарлар қизил ёки сариқ мисдан идишнинг танасини ясашган, ички қатламини эса қалай билан оқартиришган. Рихтагарлар идишларини тутқичлари, қопқоқ дасталари, жўмрак учлари, ошиқ мошиқларини қўйишиган. Кандагорлар буюмларга зарб ва ўймакорлик билан безак беришган. Узун, ичи бўш идишларга зарб билан нақш солиш пайтида уларнинг ички томони шиббаланган қум ёки латталар билан тўлдирилган. Зарб билан нақш солиш-нозик қўл меҳнати бўлиб, турли хилдаги қаламлар, болғача билан, шунингдек, нақш босилгандан сўнг унинг юза қисмини силлиқлашда ишлатиладиган маҳсус асбоблар-ранда ва маскол ёрдамида бажарилган.

Ўзбекистон буюмларида маҳаллий ўзига хослик асосан, безак бериш ва айrim деталларда шаклларнинг бир хиллигига намоён бўлади. Ўймакорлик усули бир хил бўлган, асосий фарқ фақат ўйма нақшнинг чуқурлигига ҳамда замин ва нақшлар юза қисмини безашда турли усувлардан фойдаланишда бўлган. Фарғона кандақорлиги у қадар чуқур бўлмаган, бироқ ўйма нақшларнинг аниқлиги, заминга ишлов бериш усувлари ва нақшлар сиртининг хилма-хиллиги билан ажralиб турган. Бухоро кандақорлиги кўплаб қадимий шакллар ва анъанавий нақшларни сақлаб қолган. Бошқа вилоятлар буюмлари орасида кам учрайдиган Самарқанд чой идишларининг ўзига хос шакли бугунги кунгача етиб келган. Гулли нақшда кўпинча тўртбарг мотивларини учратиш мумкин. Тошкент буюмлари элементларининг йириклиги, паргори ёғоч ўймакорлигига ўхшаш нақшларнинг кўплиги ва турли шаклдаги мадоҳил нақшлари билан ажralиб турган. Қарши ва Шаҳрисабз усталари ясаган буюмлар шакл ва безакларининг хилма-хиллиги билан фарқ қилган. Уларда қалпоқи қолиплаш усулида ишланган ҳамда феруза ва шиша билан безалган турли қопламалар ишлатилган. Айниқса, Хива кандақорлик анъанавий бадиий

мактабининг чукур ўйма усули кенг тарқалган. Гулли нақшлардан ташқари мадохил нақшлар ва мураккаб тузилмали панжаралар ҳам қўлланилган.

Баъзан буюмларга безак беришда араб ёзувидан ҳам фойдаланилган. Бу борада XIX аср бошларига оид Бухоро коса (мискоса)си ўзига хосдир. Унинг сирти нимислимий гулли нақш ва шеър билан безалган. Яна бир Бухоро косасида араб ёзувида буюртмачининг исми ёзилган. XVIII аср-XIX аср бошларига оид чилкалит косаларининг ички ва ташки томонлари Қуръон ёзувлари, даволашда ишлатиладиган дуолар билан тўла. Улар асосан гулли нақшлар, геометрик ва зооморф шакллари айниқса, чирмашиб ўсадиган гул бандлари, гуллар ва барглардан иборат ислимий нақшлар билан безатилган. Ислимий нақшларининг тури жуда кўп.

Наманганд вилояти тарихи ва маданияти давлат музейининг тарих кўргазмалар залида металларга безак берилган нақшинкор кўзалар, офтоба, чой идишларни кўришимиз мумкин. Бугунги кунда музей экспозициялари ва кўргазмаларда мисдан ишланган буюмлар пухта ўрганилиб, каталогларга киритилиб келинмоқда. Улар замонавий усталар учун битмас-туганмас илҳом манбаи ва Марказий Осиё халқларининг қадимий ва бой маданиятини кўз-кўз қилувчи бой меросимиздир.



**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Абдуллаева Р. Г. Ҳунармандчилик тараққиётининг тарихий ва институционал асослари, Иқтисод ва молия, 2017, 147-б.
2. Абдуллаев Н. Санъат тарихи. 2т-Т.; «Санъат» 2001, 89-б.
3. Қурбанова Й. Амалий санъат буюмларига бадиий ишлов беришда турли ранглардан фойдаланиш. БМИ. Тошкент – 2014, 104-б .
4. Б.Курбонов, Г.Курбанова Технология Ва Дизайн Тошкент -2020, 246-б